

Ме'mor//2019 мукофотиغا
Меъморчилик лойиҳаларининг очиқ кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида
НИЗОМ

1. Умумий қоидалар

Ме'mor//2019 мукофотиغا меъморчилик лойиҳаларининг очиқ кўрик-танлови (кейинги ўринларда - **Танлов**) “КНАУФ ГИПС БУХОРО” ХК МЧЖ (кейинги ўринларда - **Ташкилотчи**) томонидан “ADP” МЧЖ (кейинги ўринларда - **Ҳамкор**) ҳамколигида, шунингдек Меъморлар уюшмаси кўмагида ташкил этилади. Танловнинг ишчи тиллари ўзбек ва рус тилларидир. Танловга ишни тақдим этиш ушбу иш муаллифи - Танлов иштирокчисининг Танловни ўтказиш қоидалари билан танишганлиги ва унга розилигини тасдиқлайди.

Танловнинг ҳар бир иштирокчиси билан Битим тузилади, Танлов иштирокчиси зиммасига у Танловда ғолиб бўлиб, мукофот олган тақдирда унинг шартларини бажариш мажбурияти юкланади.

2. Танлов мақсади

– меъморларнинг муваффақиятли меъморчилик лойиҳаларини яратиш бўйича фаолиятини рағбатлантириш, жамиятда меъмор касби мақомини ошириш, энг янги қурилиш материалларидан фойдаланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва республикадан ташқарида ўзбек меъморларининг замонавий ва истиқболли дизайнерлик ечимларини амалга оширишга ёрдам бериш;

- Ўзбекистон Республикасида ўзбек ва хорижий муаллифлар томонидан, шунингдек республикадан ташқарида ўзбек муаллифлари томонидан 2014 йилнинг 1 январидан 2019 йилнинг 1 январигача бўлган даврда яратилган машҳур меъморчилик лойиҳалари ва қурилмаларини қайд этиш.

3. Танлов иштирокчилари

Танловда архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш лицензиясига эга юридик шахслар, интерьерлар лойиҳалари бўйича эса (мазкур Низомнинг 4.5 ва 4.6-бандларига қаранг) яқка тартибдаги тадбиркорлар ҳам иштирок этиши мумкин (чунки ушбу фаолият турлари лицензияланмайди).

Танловда иштирок этиш бепул.

Ташкилотчи ва Ҳамкор ходимлари, Танлов ҳайъат аъзолари ҳамда уларнинг оила аъзолари, улар бошқараётган муассасалар ва муассасалар бўлинмалари ходимлари Танловда иштирок этишига йўл қўйилмайди.

4. Танлов тоифалари

4.1. Жамоат бино ва иншоотлари. Қурилиш ёки лойиҳа.

4.2. Уй-жой мажмуалари. Хусусий меъморчилик. Қурилиш ёки лойиҳа

4.3. Жамоатчилик майдонини ободонлаштириш. Қурилиш ёки лойиҳа.

4.4. Энг яхши уй-жой интерьерлари.

4.5. Энг яхши тижорат ёки жамоатчилик интерьерлари.

4.6. Ўзбекистон Республикасида энг яхши қурилган чет эл бюроси.

4.7. Ўзбекистон Республикасидан ташқарида маҳаллий муаллифнинг энг яхши лойиҳаси ёки қурилиши.

5. Танлов мезонлари

- масалалар ечимига нисбатан ижодий ва новаторлик ёндашув, янги композиция усуллари, материаллари ва технологияларини қўллаш;

- лойиҳанинг эълон қилинган функциясига мувофиқ келиши;

- лойиҳа бадий жиҳатларининг ҳозирги даврга, шунингдек табиий ва / ёки шаҳарсозлик мавзусига мувофиқ келиши; объектда ёки объект яқинида яшовчи, ўқувчи ва ишловчи шахсларнинг эҳтиёж ва талаблари, визуал ёки психологик қулайлигини ҳисобга олиш;

- лойиҳада ресурс самарадорлиги ва барқарор ривожланиш тамойилларини қўллаш; лойиҳа асосий функциясидан ташқари ижтимоий функцияга эга бўлиши, шунингдек унинг тўсиқсиз муҳит талабларига мувофиқ келиши.
- устунлик амалга оширилган лойиҳаларга (яъни, қурилган объектларга) берилади.

6. Мукофот фонди ва уни тақсимлаш

Мукофот фонди Ташкилотчи томонидан тайинланади ва 119 000 000 ўзбек сўмини ташкил этади.

Ҳар бир номинацияда уч нафар совриндор бўлади. Танлов ғолибларига (1-ўрин) 8000000 сўм миқдорда мукофот берилади. 2-ўрин учун 5500000 сўм миқдорда мукофот берилади. 3-ўрин учун 3500000 сўм миқдорда мукофот берилади. Пулли мукофотлар даромад солиғини инобатга олган ҳолда кўрсатилган. Ғолиблар даромад солиғини ўзлари тўлашлари кўзда тутилган. Агар ғолибликни хусусий тадбиркор қўлга киритса, танлов ташкилотчиси даромад солиғини ушлаб қолади. Мукофот суммалари миқдорлари ушлаб қолинган жисмоний шасхлардан олинган даромад солиғи ҳисобга олинган ҳолда келтирилган (яъни, совриндорлар оладиган сумма). Танловнинг барча ғолибларига эсдалик совғалари ва Танлов дипломлари берилади. Якуний рўйхатдаги барча иштирокчилар якуний рўйхатдаги иштирокчилар сертификати билан тақдирланади.

Мукофот фонди ҳайъат аъзолари томонидан ғолиблар ўртасида Танлов қоидаларида эълон қилинган мукофот фондиди тақсимлашга мувофиқ тақсимланиши лозим.

Танлов Ташкилотчиси ғолибларга танлов қоидаларида белгиланган барча мукофотларни тўлаб бериши шарт. Мукофот танлов иштирокчилари ҳисоб рақамига ўтказилади. Биринчи мукофот берилмасликка фақат танловда иштирок этувчи лойиҳалар сони танлов дастурида эълон қилинган мукофотлар сонига тенг ёки ундан кам бўлган ҳолдагина йўл қўйилади. Мазкур ҳолатда мукофот фонди суммаси танлов иштирокчилари ўртасида ҳайъат аъзолари томонидан белгиланган мутаносиб миқдорда тақсимланади.

Бир мукофотни икки ёки ундан кўп лойиҳаларга беришга йўл қўйилмайди.

Танлов ғолибларига бериладиган мукофот яратилган меъморчилик асари учун муаллифлик мукофоти ҳисобланади.

7. Танлов регламенти

7.1. Танлов икки босқичда ўтказилади. Биринчи босқичда Ҳамкор ва Ташкилотчи томонидан тайинланган Танлов куратори ва координатори Танловга тақдим этилган барча ишларни баҳолайди ва улардан якуний рўйхат шакллантиради. Иккинчи босқичда Танлов ҳайъат аъзолари якуний рўйхатдаги ишларни баҳолайди ва очиқ овоз бериш йўли билан ҳар бир тоифадан ғолибларни, шунингдек бошқа мукофот эгаларини аниқлайди.

Ҳайъат аъзолари лойиҳа эълон қилинган мезонларга мувофиқ келмаган тақдирда тоифа ғолибини белгиламаслик, бир соврин ўрнининг икки ёки ундан ортиқ эгаларини танлаш ҳамда тақдирланган иштирокчилар рўйхатига бошқа ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқига эга. Ҳайъат аъзоларининг қарори якуний ҳисобланади.

Танлов якунларига кўра танлов ишларининг кўрик-кўргазмаси ўтказилади.

7.2. Танлов ўтказишнинг барча босқичларида Ташкилотчи ва Ҳамкор томонидан иштирокчиларнинг тўлиқ махфийлиги таъминланиши лозим.

8. Ҳайъат аъзолари

Иккинчи босқичда танлов лойиҳаларини баҳолаш учун меъморчилик ва архитектура соҳасидаги экспертлардан ҳайъат аъзолари тайинланиб, уларнинг сони тоқ, бироқ камида 5 кишидан иборат бўлиши лозим.

Ҳайъат аъзолари танлов Ташкилотчиси иштирокида Ҳамкор томонидан белгиланади.

Барча ҳайъат аъзолари ҳайъат ишида иштирок этиш учун ёзма розилик, шунингдек танлов дастури ва шартларига розилик бериши лозим.

Ҳайъат унинг аъзоларининг камида 4/5 қисми мавжуд бўлганда ишини бажариш ваколатига эга бўлади.

Ҳайъат қарори ҳайъат томонидан белгиланган тартибда оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Агар ҳайъат мажлисида аъзолар сони тоқ бўлса, ҳайъат раиси овоз беришда иккита овозга эга бўлади. Кўпчилик қарорига рози бўлмаган ҳайъат аъзоси “қарши” чиққан сифатида қайд этилиши лозим.

Ҳайъат мукофот берилгунга қадар танловнинг иккинчи босқичида ягона ҳакам ҳисобланади, танлов дастурида назарда тутилган махсус ҳолатлар бундан мустасно.

Ҳайъат аъзоларининг йўл ва яшаш билан боғлиқ харажатлари Ташкилотчи томонидан қопланади.

Ҳайъат иши жараёнида махфийликка риоя этилиши лозим. Танлов иштирокчилари ҳайъат аъзолари билан алоқа қилишига йўл қўйилмайди.

Раис биринчи мажлисда унинг таркибидан тайинланади.

Ҳайъат куйидаги лойиҳаларни мажбурий тартибда рад этади (кўриб чиқишни рад этиши шарт):

- шартларда келтирилган муддатлардан кейин юборилган лойиҳалар;
- махфийлиги қасддан бузилган лойиҳалар;
- танлов дастури ва шартлари талабларига мувофиқ келмайдиган лойиҳалар.

Рад этилган лойиҳалар ҳайъат ишлайдиган хонада қолдирилиши, бироқ иш жараёнида кўриб чиқилмаслиги лозим.

9. Материалларни танловга тақдим этиш тартиби

Иштирокчининг тўғри тўлдирилган сўровномаси танловда иштирок этиш учун асос ҳисобланади. Танлов материаллари (тасвир ва матндан иборат материаллар) танлов иштирокчилари томонидан электрон кўринишда тақдим этилади. Материалларда муаллиф номи, унинг логотипи ва боғланиш маълумотлари келтирилмаслиги лозим. Илова хатида иштирокчилар, муаллифлар ва ҳуқуқ эгалари кўрсатилиши лозим.

Кўрик-танловда иштирок этиш учун Ташкилотчининг қўшимча талабномасига кўра танлов ишлари планшетларини тақдим этиш талаб этилади.

Агар тақдим этилаётган материаллар юқорида келтирилган талабларга жавоб бермаса, Ҳамкор ишни танловга қабул қилишни рад этиш ҳуқуқига эга.

Материаллар 2019 йилнинг 20 майдан кечиктирмасдан Танловнинг www.memogawards.uz расмий сайти орқали қабул қилинади.

Танлов иштирокчиси танловга тақдим этилган материаллар учинчи шахслар ҳуқуқларини (шу жумладан, муаллифлик ҳуқуқларини, патент ҳуқуқларини, тижорат сирини ва бошқаларни) бузмаслигини кафолатлайди ва учинчи шахслар томонидан даъволар юзага келган ҳолатда ўз зиммасига жавобгарликни олади. Танлов Ташкилотчиси ва Шериги ғолиб ишини муаллифлик жиҳатидан текшириш ҳуқуқига эга.

Ташкилотчи ёки Ҳамкорка учинчи шахслар томонидан муаллифлик билан боғлиқ даъволар эълон қилинган тақдирда, танлов иштирокчиси уларга зарур ахборотни тақдим этишга мажбур.

10. Жадвал

Танлов бошланиши - 2019 йил 10 апрель.

Ишларни тақдим этиш - 2019 йилнинг 10 апрелидан бошлаб 2019 йилнинг 20 майга қадар.

Танловнинг 1-босқичи (Танловнинг 2-босқичига ишларни танлаш) - 2019 йилнинг 20 майдан 24 майга қадар.

Танловнинг 2-босқичи (хайъат иши) - 2019 йил 24 май.

Танлов якунларини эълон қилиш, ғолибларни тақдирлаш - 2019 йил 28 май.

11. Танлов тўғрисида хабар бериш

Танлов тўғрисида барча расмий ахборот Танлов Ташкилотчиси томонидан www.memogawards.uz расмий сайтида танлов ўтказиладиган кундан камида ўттиз кун аввал эълон қилиниши лозим. Қўшимча эълонлар босма ва электрон оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий тармоқларда жойлаштирилиши мумкин.

Эълонда қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

- танлов мақсади;
- танлов Ташкилотчиси ва Ҳамкор номи;
- танлов Ҳаёти аъзолари;
- мукофотлар сони ва миқдори.

12. Танлов ишларига муаллифлик ҳуқуқлари

Ташкилотчи Танловга тақдим этилган ишларни Танловнинг расмий сайтида, босма ва электрон оммавий ахборот воситаларида, ижтимоий тармоқларда иш муаллифини мажбурий тартибда кўрсатган ҳолда эълон қилиш ҳамда уларни Танлов давомида ва Танлов тугаганда Танлов тўғрисида ахборот тарқатиш мақсадида кўргазмага қўйиш ҳуқуқига эга.

Мукофотлар билан қайд этилган ишлар Ташкилотчи тасарруфида қолади, бироқ ишлар муаллифлари уларга бўлган номулкий муаллифлик ҳуқуқларини сақлаб қоладилар.

13. Иштирокчиларнинг шахсий маълумотларини ҳимоя қилиш ва қайта ишлаш

Шахсий маълумотларни тақдим этиш ва улар кеийнчалик Ташкилотчи томонидан қайта ишланиши мақсади мазкур Низом қоидаларини бажариш давомида Танлов иштирокчисини рўйхатдан ўтказишдан иборат. Мазкур Низомга мувофиқ, шахсий маълумотларни қайта ишлашга розилик бериш шахсий маълумотларни қайта ишлаш мақсадларига эришилгунга қадар, бироқ мазкур мақсадга эришилганидан сўнг камида икки йил амал қилади.

Мазкур Низом билан танишиб чиққан ҳолда, шахсий маълумотлар субъекти юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорларнинг қуйидаги шахсий маълумотлари қайта ишланишига ўз розилигини беради: ташкилотнинг тўлиқ номи, ташкилотнинг қисқартирилган номи, ташкилотнинг ваколатли шахси Ф.И.О., электрон почта манзили, телефон рақами.

Шахсий маълумотлар субъектининг шахсий маълумотларини қайта ишлаш деганда Ташкилотчининг шахсий маълумотларга нисбатан амалга оширадиган ҳаракатлари (операциялари), шу жумладан, шахсий маълумотларни қайта ишлаш мақсадларига эришилгунга қадар, бироқ мазкур мақсадга эришилганидан сўнг камида икки йил уларни йиғиш, тизимлаштириш, тўплаш, сақлаш, шахсий маълумотларни аниқлаштириш (янгилаш, ўзгартириш), фойдаланиш, тарқатиш (шу жумладан, шахсий маълумотлардан рухсатсиз фойдаланишдан ҳимоя таъминловчи чораларга риоя этган ҳолда топшириш), муаллифини кўрсатмаслик, блоклаш, йўқ қилиш тушунилади.

Шахсий маълумотларни қайта ишлашга берилган розиликни қайтариб олиш шахсий маълумотлар субъекти томонидан Ташкилотчи номига оддий ёзма шаклда тегишли фармойиш юбориш орқали амалга оширилиши мумкин. Бунда шахсий маълумотлар

субъекти розиликни қайтариб олиш мазкур Низомда назарда тутилган оқибатларга (дисквалификация) сабаб бўлиши мумкинлигига рози бўлади.

Ташкилотчи мазкур танлов доирасида қайта ишланадиган шахсий маълумотлар оператори ҳисобланади ва Ўзбекистон Республикасининг шахсий маълумотларни ҳимоя қилишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан белгиланган шахсий маълумотларни қайта ишлаш талабларига риоя этилишини таъминлайди, шахсий маълумотлардан ғайриқонуний ёки тасодифий фойдаланишдан, уларни йўқ қилиш, ўзгартириш, блоклаш, нусхалаш, тарқатишдан, шунингдек бошқа ғайриқонуний ҳаракатлардан ҳимоя қилишнинг барча зарур ҳуқуқий, ташкилий ва техник чораларини кўриш учун жавобгар бўлади. Ташкилотчи шахсий маълумотлар субъектларининг уларнинг шахсий маълумотларини қайта ишлаш, шу жумладан, учинчи шахсларга топшириш учун розилигини олишни кафолатлайди ҳамда мазкур танловни ўтказиш мақсадида қабул қилиб олинган шахсий маълумотларни қайта ишлашга қўшимча розиликни олмаган ҳолда учинчи шахсларни жалб этиш ҳуқуқига эга.

14. Танлов натижалари

Ғолибларни танлаш олдиндан эълон қилинган кун ва вақтда ҳайъатнинг камида икки аъзоси ва танлов иштирокчилари иштирокида ҳайъат раиси томонидан амалга оширилади. Танлов ғолиблари эълон қилинганидан сўнг натижалар ҳайъат томонидан танловнинг барча иштирокчиларига ва оммавий ахборот воситаларига эълон қилинади. Мукофот ва гонорарлар иштирокчиларга натижалар эълон қилинган кундан сўнг бир ойдан кечиктирмаган ҳолда тўланиши лозим.

13. Ташкилотчи ва Ҳамкорнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Ташкилотчи ва Ҳамкор ўзида ҳар қандай вақтда Танловни бекор қилиш ёки унинг қоидаларига тузатиш киритиш ҳуқуқини Иштирокчиларни ўзгаришлар тўғрисида мажбурий тартибда огоҳлантирган ҳолда сақлаб қолади.

Ташкилотчи ва Ҳамкор Танлов иштирокчилари олдида улар Танловда иштирок этганлик муносабати билан юзага келиши мумкин бўлган ёки Танлов билан боғлиқ бўлган ҳар қандай зарар учун жавобгар бўлмайди.

14. Боғланиш учун маълумотлар

Танлов мавзуси бўйича саволлар юзага келган ҳолатда улар Танловнинг www.memorawards.uz расмий сайтига юборилиши лозим.

Мазкур Низом қуйидагилар томонидан тайёрланди:

Якупова Хилола,
“КНАУФ ГИПС БУХОРО” ХК МЧЖ
“Маркетинг ва реклама” бўлими бошлиғи

келишилди:

Абдужамиллов Шухрат,
“КНАУФ ГИПС БУХОРО” ХК МЧЖ
Тошкент шаҳри филиали директори

Холмурадов Улуғбек, архитектор,
Holmuradov Design МЧЖ арт-директори.

Сана: 2019 йил 25 март